



1187 йили мусулмонлар армияси Куддуси шариф дарвозаларини ишгол килиш учун хужумларини бошладилар. Кўшин бошида, Ислом тарихида энг ёркин из колдирган мусулмон ўғлонларидан бири Салохиддин турган эди. Рим папаси даъвати билан 88 йил олдин салбчиларга бой берилган мукаддас шаҳар конли жанглар оқибатида мусулмонлар кўлига қайтиб ўтди. Нега конли деяпмиз? Чунки конхўр салбчилар шаҳарни босиб олганида ҳеч кимга шафкат кўрсатмаган эди: на қарилар, на аёллар ва на болаларга. Ўшанда мукаддас шаҳар кўчаларида мусулмонларнинг қони дарё бўлиб оққан эди. Бундай оммавий қотилликларни содир этишга қандайдир бир ҳарбий эҳтиёж йўқ эди, балки кўрқитиб қўйиш учун қилинган мудҳиш бир ҳунрезлик эди.

Шунинг учун ҳам Салохиддин шаҳарни озод қилиш учун келганида, шаҳар ичидаги одамлар даҳшатга тушдилар, чунки уларнинг қўпи мусулмонлар шаҳарни бой бериб қўйганларида нималар бўлгани яхши эслашар эди.

Ислом кўшинларига зафар инъом қилинди. Улар Куддуси шарифга “Аллоху акбар” садолар остига қириб келдилар, мукаддас шаҳар мусулмонлар кўлига қайтарилди. Ушбу воқеаларнинг ўзиёқ Салохиддиннинг исмини Куддуси шариф ҳалосқори, дея тарихнинг зарварақларига ёзиб қўйиш учун қифоя эди. Бирок, уни машҳур қилган нарсаси бу эмас эди, балки шаҳарнинг насроний аҳолисига кўрсатган муносабатлари уни афсонага айлантирди.

Салохиддин 88 йил олдин мусулмонларнинг қонини дарё қилиб оқизгани қаби Куддуси шариф кўчаларини қонга тўлдирмокчи эмас эди. Бунинг ўрнига музаффар мусулмон аскарлари шаҳарни босиб кетган нажас ва ноқонликлардан тозалашга тушишди. У қасосни қилди, шунинг билан бирга юз мингдан ошдиқ насронийларнинг умри сақлаб қолинди. Мукаддас шаҳар насронийлар зиёрат қилишлари учун рухсат этилди. Аслида, салбчилар мукаддас шаҳарни босиб олгунгача яҳудий ва насронийлар шаҳарни бемалол зиёрат қилишлари мумкин эди. Салбчилар шаҳарни босиб олганидан кейин мусулмон ва яҳудийларнинг шаҳарга қиришини тақиқлаб қўйган эди.

Қонлардан бир қон, ўз қўшинини қўриқдан ўтқазиб юрган Салохиддин қўксини муштлаганча, хўнграб йиғлаётган салбчи рақиблардан бўлган бирининг аёлини қўриб

колади. Аёлга якин бориб, ундан фарёд чекиши сабабини сўрайди.

- Мусулмонлар чодиримга кириб, ёшгина кизалогимни олиб кетишди, - жавоб беради аёл. Кўзи ёшга тўлган Салоҳиддин кизалок ва уни кул сифатида сотиб олган кишини кидириб топишни, тўланган пулни эгасига, болани эса онасига қайтаришни буюради. Орадан бир соат ўтар-ўтмай чавандозлардан бири келиб, кизчани онасига топшириб кетади.

Салоҳиддин салбчиларга дарс берди. Озод килинган шаҳар аҳолисига мурувват кўрсатиб, у душман динидан ўз дини канчалик устун эканини кўрсатиб қўйди.

### **Сабаби нима?**

Салоҳиддин ва унинг аскарлари нега касос олмадилар, бунинг сабаблари нима эди? Ислом аскарлари нега барчанинг конини дарё килиб окизмади?

Бу саволларга Салоҳиддин Аюбийнинг ўзи жавоб беради.

Салоҳиддин озод килинган шаҳар кўчаларидан ўтиб кетаётганида бўйнига тилло хоч такиб олган бир қария уни тўхтатади. “Эй буюк саркарда, бир нарса сўрашимга изн беринг? - деб қария унга мурожаат килади. – Сизга зафар ато килинди, Қуддусни кўлга киритдингиз. Насронийлар шаҳарни эгаллагач, қариларингиз, аёлларингиз ва болаларингизни сўйиб ташлашди-ку, ҳеч кимга раҳм-шафкат кўрсатишмади -ку? Сизни насронийлар мусулмонларга қилган нарса учун касос олишдан нима тўсди?”

“Заифларга раҳмли бўлиш ҳамда қарилар, аёллар ва болаларни қатл қилишни тақиқлаган диним тўсди”, деб жавоб қилди Салоҳиддин. Лол қолган қария, эшитганларига ишонмадан, қайта: “Сизнинг динингиз, сизларни шафқатсиз равишда ўлдирганлардан касос олишни ман қиладими?” “Ҳа, шундай. Динимиз кечиримли бўлишга ва солиҳ амаллар қилишимизга, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтаришимизга, аҳдга вафо қилишга, касос олишга имкон бўлатуриб кечириб юборишимизга буюради”, деб жавоб қилди Салоҳиддин. “Накадар, гўзал бу дин. Қариганимда ва умрим сўнгида тўғри йўлга хидоят қилган Роббимга ҳамдлар айтаман. Динингизни қабул қилиш учун нималар қилишим керак”, - деб сўради Салоҳиддиндан қария, Салоҳиддин эса, унга қалимаи шаҳодатни ўргатди. Қария Исломни қабул қилди ва ўлими келгунча Исломнинг гўзал ҳаёти билан яшади. Унга жуда кўп қариндошлари ҳам эргашди.

### **Ўрнат**

Салоҳиддин бундай олижанобликни кимдан мерос олган? Унга буларни ким ўргатган? Бундай олижаноблик сифатлари унга Ислом билан эмланган. Уни қаҳрамон ва раҳмдил аскар қилган ҳам Исломдир.

У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаламга тўлиқ эргашар эди. Хоссатан, у Макка фатҳи куни мушрикларга қилган муносабатлари каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаламга эргашди.

Мушриклар йигирма йилдан ошиқ вақт ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаламга озор бериб қелишди, қанча-қанча саҳобалар шаҳид этилди, динга ва рисолатга қарши уруш олиб борилди. Шунинг учун, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалам томонидан шунга яраша жавоб берилишидан қўрқар эдилар. Бирок, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалам қандай йўл тутдилар? У зот ҳаммасини қириб ташлаш ўрнига уларни қечирдилар, уларга шафқат қилдилар. Ўша шиддатга тўла уруш пайтларида у бемалол қасос олиши ёки барча душманларини йўқ қилиб юбориши мумкин эди, агар шундай қилганида ҳам ҳеч ким буни нотўғри бўлди, дея олмасди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалам қўрсатган марҳаматлари ҳатто мушрикларни ҳам қолқолдирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалам ана шундай олиҳиммат зот эдилар, унга эргашганлар ҳам ана шундай олиҳиммат бўлдилар.

Интернет материаллари асосида

Абу Муслим тайёради